

4-1-2018

STRUCTURE OF THE INTERNAL AUDIT SERVICE REPORT IN ENTERPRISES

A. To'rayev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

To'rayev, A. (2018) "STRUCTURE OF THE INTERNAL AUDIT SERVICE REPORT IN ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 49.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/49>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Тўраев А.Н. — ТМИ, катта
илмий ходим-изланувчиси

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ҲИСОБОТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ҳисоботини тузиш тартиби, кузатув Кенгашига кунлик жараёнлар ва ички аудит хизмати ҳисоботини тақдим этиш масалалари акс эттирилган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда ички ва ташқи аудит ҳисоботи фарқли жиҳатлари ҳамда ички аудит хизмати ҳисоботининг таркибий қисмлари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: хўжалик юритувчи субъект, ички аудит хизмати, ички аудитор, ички аудит хизмати ҳисоботи, ташқи аудит ҳисоботи, кузатув Кенгаши, корпоратив бошқарув, бизнес режа, солиқ ва молиявий ҳисобот, ички назорат тизими, активлар бутлиги.

В статье предусмотрено составления отчета службы внутреннего аудита хозяйствующих субъектов который, отображают ежедневных процессов и вопросы предоставления отчета внутреннего аудита в Наблюдательный Совет. А также раскрывается различия отчета службы внутреннего и внешнего аудита хозяйствующих субъектов и организационная структура отчета внутреннего аудита.

Ключевые слова: хозяйствующий субъект, службы внутреннего аудита, отчета службы внутреннего аудита, внешний аудиторский отчет, Наблюдательного совета, корпоративное управление, бизнес-планирование, налоговая и финансовая отчетность, система внутреннего контроля, сохранение активов.

The article provides for the preparation of the report of the internal audit of business entities which represent the daily processes and questions of the internal audit report to the Supervisory Board. And also revealed differences in the service report internal and external audit of business entities and organizational structure of the internal audit report.

Key words. Business entity, internal audit service, internal audit report, external audit report, Supervisory Board, corporate governance, business planning, tax and financial reporting, internal control system, asset retention.

Хўжалик юритувчи субъектлар йиллик фаолиятини назорат қилишда ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллайди. Ички аудит хизмати корхона раҳбариятига даврий равишда хўжалик фаолияти натижалари тўлиқ таҳлил

www.interfinance.uz

қилинган ички аудит хизмати ҳисоботини тузади ва тақдим этиб боради. Ички аудит хизмати ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларнинг фаолиятини ўрганиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомда хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш, уни фаолиятини тартибга солиш ва кузатув Кенгашига ички аудит хизматининг якуний жараёнларини ўз ичига оладиган ички аудит хизмати ҳисоботини тузиш тартиблари батафсил баён этилган.

Бизга маълумки, ички аудит хизмати акциядорлик жамиятларида “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан томонидан тайинланадиган кузатув Кенгаши томонидан назорат қилинади ва унга ҳисобдорлиги белгиланган.

Лекин, масъулияти чекланган жамиятларида, шунингдек, акциядорлик жамияти таркибига кирмайдиган хўжалик субъектларда ички аудит хизмати тўғридан-тўғри таъсисчилар умумий йиғилишига бўйсунди.


Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, ички аудит хизматини назорат қилиш тизими жорий этилганлиги сабабли, уларга ўз вақтида ишончли бўлган ички аудит хизмати ҳисоботини тақдим этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

“Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом[2]га асосан, ички аудит хизмати ходимлари томонидан тайёрланадиган ички аудит хизмати ҳисоботи қуйидаги бандларни ўз ичига олиши лозим (1-расм).



1-расм. Ички аудит ўтказишга ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисоботнинг таркибини келтириб ўтамиз (2-расм).



2-расм. Ички аудит хизмати раҳбарининг йиғма ҳисоботи таркиби

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда ички аудит хизмати алоҳида аҳамиятга эга бўлган тизимдир. Ички аудит хизмати ҳисоботида тўпланган барча маълумотлар умумлашган ҳолда келтирилади. Ички аудит хизмати ҳисоботини шакли ва тузилишини бир хил ҳолга келтириш ундан фойдаланиш учун қулайликларни орттиради. Ҳозирги кунда амалиётда ички аудит хизмати ҳисоботи турли соҳаларда ҳар хил шаклда тайёрланмоқда. Бу ҳисоботни таққослаш, услубий такомиллаштириш жараёнида муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ички аудит хизмати ҳисоботини тузишга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ички аудит хизмати ҳисоботини бир тизимга солиш зарурати юзага келди.

Рус олимаси Ж.А.Кеворкова ички аудит хизмати ҳисоботи “Ички аудиторнинг ёзма маълумоти” асосида тузилишини ва ички аудитор учун ҳисоботнинг алоҳида шакли ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда унинг шакли учта қисмдан, яъни кириш, таҳлилий, яқуний қисмлардан иборатлигини айтиб ўтган[5].

Амалиётда ташқи аудитнинг стандарт шаклдаги ҳисоботи мавжуд. Бу ҳисобот барча аудит ташкилотлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бўйича текширув натижаларига таянган ҳолда бир хил тайёрланади.

Ички аудит хизмати томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти ҳар чорак натижалари бўйича ички аудит хизмати ҳисоботида акс эттирилади ва кузатув Кенгашига тақдим этилади.

Ташқи ва ички аудиторлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича текширув натижаларини ўзида акс эттирувчи ҳисобот шакллари таққослаш орқали биз уларнинг бир-биридан фарқ қилишини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ташқи ва ички аудит ҳисоботларининг фарқли жиҳатлари

Кўрсаткичлар	Ташқи аудитор ҳисоботи	Ички аудит хизмати ҳисоботи	Изоҳ
Номланиши бўйича	Аудиторлик ҳисоботи	Ички аудит хизмати йиғма (жамлама) ҳисоботи	Бир биридан фарқ қилади
Меъёрий ҳужжатлар бўйича	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 70-АФМС -“Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси”	“Қорхоналардаг и ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом	Бир биридан фарқ қилади
Текширувни амалга оширувчи шахсларнинг малака талаблари бўйича	Молия вазирлиги томонидан аудитор малака сертификатига эга бўлган аудитор	Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан ички аудитор малака сертификатига эга бўлган ички аудитор	Бир биридан фарқ қилади
Таркиби бўйича	3 та қисм, кириш, таҳлилий ва якуний	2 та қисм, таҳлилий ва якуний	Фақат кириш қисми билан фарқланади
Кириш қисми бўйича	Аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг	Мавжуд эмас	Ташқи аудитор ҳисоботида қайд этилади,

	рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи		ички аудит хизмати ҳисоботида мавжуд эмас
<i>1-жадвал давоми</i>			
Таҳлилий қисм бўйича	Хўжалик юритувчи субъектда ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни), бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари, активларнинг бутлигини текшириш натижалари	Тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини, корпортив бошқариш принципларига риоя қилинишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини,	Бир биридан фарқланади

		<p>активларнинг ҳолатини, ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот</p>	
<p>Якуний қисми бўйича</p>	<p>Аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатлари</p>	<p>Корхонанинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштири</p>	<p>Бир биридан фарқланади</p>

		шга доир умумлаштирилган таклифлар	
Тақдим этиш муддатлари бўйича	1 йилда бир марта, 1 майдан кечикмаган ҳолда	Ҳар чорак ва ҳисобот йилида	Бир биридан фарқланади
Назорат қилувчи органлар	Ташқи фойдаланувчилар, давлат солиқ хизмати органи, инвесторлар	кузатув Кенгаши, таъсисчилар умумий йиғилиши	Бир биридан фарқланади

Юқоридаги жадвал маълумотларига таяниб ички аудит хизмати ҳисоботини тақдим этиш, ташқи аудит ҳисоботини тақдим этиш каби муҳим ҳисобланади деб айтиш мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар Кузатув кенгаши томонидан фаолиятни назорат қилиш, инвесторларга ишончли маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш учун ички аудит хизмати ҳисоботини тузиш тартибини жадал ривожлантириб бориши лозим.

Ўрганилган назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида ички аудит хизмати ҳисоботини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, бизга маълумки ташқи аудитор ҳисоботи учун бир қанча меъёрий ҳужжатлар ҳамда алоҳида 70-АФМС - “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” [4] деб номланган аудиторлик фаолияти миллий стандарти мавжуд. Ички аудит хизмати ҳисоботини тартибга солиш учун “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом мавжуд бўлиб, бу ички аудит хизмати ҳисоботини услубий тартибга солиш масалаларини тўла қамраб олмаган. Шунинг учун бу йўналишда алоҳида ички аудит миллий стандарти ишлаб чиқилса ва амалиётга жорий қилинса, ички аудит хизмати ҳисоботи бир хил шаклда тузилиши ҳамда тақдим этилишини тартибга солиш имконияти юзага келади.

Иккинчидан, ички аудит хизмати ҳисоботининг назорат вазифасини ошириш учун “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ички аудит хизмати фаолиятига доир алоҳида модда киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу моддада ички аудит хизмати ҳисоботи кузатув Кенгашига тақдим этилганидан сўнг, унда келтирилган камчиликларни хўжалик юритувчи субъект томонидан бартараф этиш мажбурияти киритилса, ички аудит хизмати ҳисоботининг назорати кучаяди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини тўғри йўлга қўйилиши улардаги мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисобот ахборотларининг сифатлигини таъминлаш ҳамда субъектнинг иқтисодий салоҳиятининг ошишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). – Тошкент, 2000 йил 26 май
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 42 (230)-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда
4. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. 1999-2015 йил.
5. Ж.А.Кеворкова. Внутренний аудит. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 319 с.